

Тожихон Собитова

Халқ ижоди сабоклари



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Тожихон СОБИТОВА

ХАЛҚ ИЖОДИ САБОҚЛАРИ (мақолалар)

**Тошкент
«MUMTOZ SO‘Z»
2011**

УДК: 398(075)
ББК 83.3(5Ү)1

Ушбу рисола фольклориунос олиманинг турли шилларда эълон қилган мақолалари мажмуасидан иборат. Уларда ҳалқ достонларида конфликт масалалари ва қўшиқ, мақол, ибора, мифология каби ҳалқ ижодининг жсанр ва масалалари ҳақида сўз юритилади.

Тўплам фольклориунослар, олий ўқув юртларининг филология ва журналистика факультетларида таълим олаётган талабалар, ҳалқ оғзаки ижоди билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

83.3(5Ү)1

T-89

Собитова, Тожихон.

Ҳалқ ижоди сабоқлари / Т.Собитова; масъул мұхаррир О.Мадаев. MUMTOZ SO'Z, 2011. 168 б.

ББК 83.3(5Ү)1

Масъул мұхаррир: Омонулла Мадаев -
филология фанлари номзоди, доцент

Сўнгсўз муаллифи: Асқар Мусақулов -
филология фанлари доктори

Тақризчилар: Сайиткул Алимов -
филология фанлари номзоди, доцент
Абдумурот Тилавов -
филология фанлари номзоди

SBN 978-9943-398-35-1

ИЗДАВАЧ
«МУМТОЗ»
2011

© Собитова Т., 2011
© «MUMTOZ SO'Z», 2011

ИЗЛANIШ ЙЎЛИДА

Изланишлар доимо мақсадли, машағатли, натижсалари қувончили, айни пайтда бироз кўнгил тўлмайдиган, холисона айтсақ, ютуқли ва камчиликли бўлади. Ана шуларни зими масига олган кишиигина илмий ёки ижодий изланишлар йўлига киради.

Илмий йўлига ўтган асрнинг 80 – шилларида кириб келган фольклориунос олима Т.Собитова ўзбек ҳалқ оғзаки ижоди билан қизиқувчилар, талабалар ўқувчиларга ўз билимларини оширишида бироз бўлса-да, кўмак бўлар деган ният билан турли шилларда ёзган мақолаларининг бир қисмини яхлит рисола сифатига келтиргани қувончили ҳолдир.

Олима ўз мақолалари мажмуасини «Ҳалқ ижоди сабоқлари» деб номлаган. Бундай номлашни шартли равиида қабул қилиши мумкин. Чунки ўзбек ҳалқ оғзаки ижоди намуналари жуда кенг ва серқирра, уни ўрганувчи фан - фольклориунослик ўз обьектига барча назарий масалалар, атамаларни имкон қадар қамраб олиши, улар ҳақидаги дастлабки умумий тушунчаларни англатиши лозим. Ушбу тўпламда ўзбек ҳалқ оғзаки ижодидаги достонлар, мақоллар, маталлар, эртаклар, қўшиқлар, мифларга оид айрим жиҳатларгина ёритилган. Т.Собитова ўзбек эпосишунослигига конфликт масаласини биринчи марта маҳсус тадқиқ этган олималардан биридир. У ушбу китобга киритилган эпос конфликтни ҳақидаги мақоласида конфликт турларини учга бўлади. Гарчи олима мақолада бундай таснифга нима асос бўлганини айтмасада, мақола мазмунидан унинг энг тўғри илмий йўл - тарихийлик мезонларидан келиб чиқсани англайшиб туради. У достонлар эпосини фақат уларнинг тури эмас, балки уларда иштирок этган қаҳрамонларнинг вазифаларига кўра ҳам тасниф қиласди, бу эпос поэтикасининг бир қуррасини чукур ўрганиши мизга ёрдам беради.

Қайд этиши жсоизки, Фарбнинг шигор университетларида XIX асрдан асосий фан сифатида ўрганилаётган қиёсий адабиётшунослик фани бизга эндиғина кириб келмоқда. Бу ҳолат фольклориунослигимиз учун ҳам хосдир. Шу нуқтаи назардан қаралганда, Т.Собитованинг «Ўзбек ва озарбойжон фольклорида «Ошиқ Фариб» достони сюжети» номли мақоласи қиёсий фольклориуносликнинг яхши бир намунаси бўла олади.

Матъумки, фольклор анъанавий мацийи сүз санъатидир. Щу боис, фольклор асарларини халқ этнографияси билан узвий болглиқ-ликда ўрганиш фольклоршунослик фанининг энг муҳим ўзига хос. ликларидан бири ҳисобланади ва этнофольклористик йўналиши деб юритилади. Фольклоршунослигимизда этнофольклористик йўна-лишини ҳам шу фан асосчиси Ҳ.Т. Зарифов бошлаб берган. Кейин. чалик М.Алавия, Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов каби олимлар томо. нидан бу соҳа ривоҷлантирилиб, ўтган асрнинг саксонинчи, ху. сусан, мустақиликка эришганимиз 90-йиллардан бошлаб асосий йўналишлардан бири бўлиб қолди. Бунга сабаб мустақилик тү. файлги сабиқ тузум қабул қилмаган кўпгина шимий муаммолар, ма. салан, диний мавзулар, талқинлар, халқимиз урф-одатларининг фольклордаги бадиий ифодаси каби масалаларни холис тадқиқ қилиши имкони туғилди.

Эътиборга лойиқ томони шундаки, ушбу тўпламдаги «Алтномии» достонига кириши», «Янга образининг тарихий асослари» каби мақолаларда Т.Собитованинг этнофольклористик йўналишдаги янгича изланишлари кўзга ташланиб туради. Тўпламдаги мақолалар соғ илмий йўналишдан кўра кўпроқ илмий-оммабоп, услубий қўлланма характеристига эга. Бунинг сабаби шундаки, олмила салкам қирқ ишлдан буён Ўзбекистон Миллий университетидаги талабаларга ҳалиқ оғзаки ижоди фанидан дарс берниб келади ва унинг изланишлари натижалари кўпроқ фольклоршунос олимлар эмас, талабалар, фольклор билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланади. Шу боис олимнинг ушбу мақолалардаги айрим қарашлари, хуносалари бугунги фан талаби даражасида бўлмаслиги мумкин. Гап шундаки, ушбу мақолаларда, асосан, XX асрнинг сўнгги чорагида ўзбек фольклоршунослигига кечган баъзи илмий изланишлар ўз ифодасини топган. Шунингдек, ушбу китобдаги айрим мақолаларда, масалан, «Алтномии» достони поэтикасига доир»да ўз исботини топмай, тезис сифатида қолиб кетган фикрлар ҳам учрайди.

Олиманинг халқ дистонларидағи муболага бадиий тасвир усули ҳақидаги мақоласи бир оз баёний характерга эга бўлса-да, фольклоршунослигимиздаги дастлабки изланишлардан бирни сифатли аҳамиятли. Гап шундаки, ўзбек фольклоршунослигида шу характердаги мақолалардан сўнг Т.Зуфаровнинг халқ эпосидаги муболага санъати ҳақида маҳсус номзодлик диссертацияси яратилди.

Маълумки, оғзаки ва ёзма адабиётнинг жуда кўп умумий мезонлари бор. Уларнинг барчасини бир тақриз ёки мақола доирасида баёни қилиши қийин. Шу билан бирга сўз саънатининг бу икки кўриниши ўртасида жисиддий фарқлар ҳам мавжудуки, улар ана шуалар туфайли сўз саънатининг икки шакли ҳисобланади. Ана шу жисиҳатдан қаралса, олиманинг баъзи таҳдилларда оғзаки адабиёт намуналарини унга хос бўймаган ёзма адабиёт мезонлари билан баҳолаш ҳолатлари кўзга ташланади.

Илмий мақола, асарлар, тадқиқотлар натижасынинг ўзига хос фазилатларидан бири шундаки, улардаги айрим камчиликлар, маромига етмаган хуласалар ҳам ўқувчини янги кузатишларга ундаиди. Тўпламдаги мақолалар, асосан, мустақиллик давригача яратилган. Шунинг учун улардаги мулоҳазаларда маълум бир чекланышлар, мустақиллик даврида юзага келган илмий изланишилар натижасалари қайд этилмаган ва бугунги кунда улар бирмунчай умумий фикрлар ёки маълум бўлган мулоҳазалардан иборатдай туолади.

Т. Собитованинг мақолалар мажмусидан иборат ушбу китоби жиҳодий шлмий ютуқлари, жузъий камчиликлари билан бирга, яъни яхлит ҳолда ўзбек фольклоршунослиги назарияси ва уни ўқитиш услугубига ўзига хос бир ултиб бўлиб қўшилади.

Асқар Мұсакулов

*Падари бузрукворимиз Аҳмаджон Раҳмонқул ўғли
онамиз Умрхон Саидгози қизи, укаларим Танзилхон ва
Раҳимжоннинг порлоқ хотирасига багишланади*

ХАЛҚ ЭПОСИДА КОНФЛИКТ

Халқ эпоси, жумладан, ўзбек халқ достонлари узоқ тараққиёт босқичини ўтиб, ўз бошидан турили хил ўзгаришларни кечириб, бизга қадар етиб келган. Ҳозир бизга маълум бўлган эпос намуналарида акс этган конфликтлар жамиятнинг ижтимоий-иктисодий, маданий-сиёсий, оиласвий-маиший ривожи билан боғлиқ ҳолда муайян ўзгаришларга учраган. Шунинг учун ҳам у ёки бу эпос намунасида ўз поэтик ифодасини топган конфликтни таҳлил этганда, бир томондан, унда тасвирланган тарихий босқич талабларидан келиб чиқиш зарур бўлса, иккинчи томондан, унинг конкрет намунасида қайд этилган конфликт ҳам ўзининг тарихий асослари жиҳатидан жамият тараққиётининг янада қадимий қатламларига кириб боришини унутмаслик керак бўлади.

Сўз съянти - адабиётда конфликт сюжетнинг энг муҳим элементи, таркибий қисми саналади. Оғзаки ва ёзма адабиёт намуналарида конфликтлар умумийликларга эга бўлиш билан бирга ўзаро фарқланадилар. Ёзма адабиётдаги эпик, лиро-эпик ва драматик асарлардаги конфликт ҳақида академик М.Кўшжонов шундай ёзади: «Конфликт ҳаётдаги реал қаршиликларнинг бадий ифодасидир. Асарда эса, у сюжетни ҳаракатга соловчи асосий куч, ривож берувчи пружина ричагидир. Сюжетни асар скелети деб фараз килсан, конфликт унга жон берадиган, ҳаракатта келтирадиган юракдир... Конфликт адабиётнинг ҳамма жанрларига хос бўлса-да, ҳар бир жанрда ўзига хос хусусиятларга ҳам эга»¹. Олимнинг бу таърифидаги: «Конфликт ҳаётдаги реал қаршиликларнинг бадий ифодасидир», - деган фикридан бошқа барча хуносалари оғзаки адабиёт учун ҳам тўла хосдир. Негаки, айниқса, халқ эпосида конфликт ўзига хос шаклда намоён бўлади. Унда факат ҳаётдаги реал қаршиликлар эмас, балки эпик воқелиқдаги зиддиятлар ўз бадий ифодасини топади. Аниқ бир индивидуал муаллиф эмас,

эпос ижодкори бўлган халқ ўзи яшаётган жамиятдан норозилиги ёки унинг чиркин иллатларини ўз идеалидаги озодлик, эркин муҳаббат, тинчлик каби орзу-истакларига қарши кўяди. Натижада анъанавий эпосдаги конфликтнинг кўйилиши ва ҳал этилиши ўзига хос бадий-тасвирий тизим асосида воқе бўлади. Унда ўта реал воқеалар, деталлардан тортиб, кишини ишонтира олмайдиган даражадаги фантазиянинг мавжудлиги ҳам шундадир.

Халқ эпоси намуналари асосида ётган конфликтлар тарихий жиҳатдан асосланган, халқнинг кўп асрлик ижтимоий-иктисодий ва сиёсий ҳаётида синааб кўрилган ҳақиқатлардан ташкил топади. Шу билан бирга уларни юзага чиқаришда мифологик тассавур, халқ идеалидаги чексиз фантазия курдати ҳам муҳим роль ўйнайди.

Ёзма адабиётдаги эпик тур намуналаридан фарқли равища халқ эпосидаги конфликтнинг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, унда ҳеч қачон ижтимоий катламлар ўртасидаги зиддиятлар эттирилмайди. Эпосда конфликт ижобий ва салбий кутбларини ҳаракатга келтирувчи кучлар ҳоҳ реал, инсоний бўлсин, ҳоҳ мифологик киёфада бўлсин ўзаро зиддиятли муносабатда бўладилар. Бу ўзига хослик барча вазиятлар пировардида, яъни сюжет ечимидаги ижобий кутбларнинг енгиги чиқиш билан боғлиқ бўлган конфликтнинг оптимистик рухини таъминлайди. Фольклор асарларида, айниқса, эпик тур намуналари достонлар ва эртакларда тушкунлик мотивлари деярли бўлмайди, конфликт ижобий кучлар фойдасига ҳал бўлади, чунки халқ ижодкорлари воқеаларни оддий меҳнаткаш халқ манфаати позициясидан туриб талкин этганлар. Шунинг учун ўзлари яратган қаҳрамонларнинг маглубиятини истамаганлар.

Ўзбек халқ эпоси узоқ тарихий тараққиёт босқичларини босиб бизга қадар етиб келган экан, бу қадимиликни унинг кўп қатламлилиги ҳам тўла исботлаб беради. Ўзбек халқ эпоси намуналарини В.М.Жирмунский ва Х.Т.Зарифов биринчи марта беш турга бўлиб тасниф қилишган. Булар қаҳрамонлик, романик, жангнома, тарихий ва китобий достонлардан иборат. Ўзбек эпосшунослигига бундан сўнг достонларнинг М.Сайдов, Б.Саримсоқов таснифлари мавжуд. Улардан энг сўнгтиси Б.Саримсоқов таснифи бўлиб, муаллиф халқ достонларини тарихийлик мезонларига асосланиб, қаҳрамонлик, романик ва тарихий каби турларга бўлади. У жангнома ва

¹ Кўшжонов М. Адабий асарда конфликт // Адабиёт назарияси. Иккى томлик. 1-том. – Т.: Фан, 1978. - Б.209.

китобий достонларни романик турга киритади¹. Ўз навбатида, мазкур турлар ўзбек халқи бадиий тафаккурининг ҳам тараққиёт босқичларини белгилаб беради. Агар биз конфликт характери нуқтаси назаридан ўзбек халқ эпосига ёндашибисак, бу улкан меросдаги мавжуд конфликтларни уч типга бўлиши мумкинилгини кўрамиз:

1. Қаҳрамонлик эпосига хос бўлган конфликт типи. Бу тур достонлар халқнинг қаҳрамонона ўтмишни бутун буюклиги, тўлалиги ва барқарорлиги билан тасвирлари орқали алоҳида маҳорат касб этади. Масалан, «Алпомиши» достонида ургучилик жамиятининг емирилиши ва патриархал-феодал муносабатларининг аста-секин қарор топа бориши кенг кўламда акс эттирилган.

2. Романик достонларга хос конфликт типи. Бундай конфликт типида халқнинг асрлар давомида шаклланган идеаллари билан унга қарама-қарши турувчи кучлараро зиддиятларда акс этади.

3. Тарихий достонларга хос конфликт типи. Бундай достонларнинг ўзи ижтимоий ҳаётни қаҳрамонлик ва романик достонларга нисбатан акс эттириш тарзи, демакки, ҳаётдаги зиддиятларни реал ифодалаш характери жиҳатдан икки типга бўлинадилар:

а) анъанавий тарихий достонлар («Шайвали», «Ойчинор», «Тўлғоной», «Тулумбий», «Темур» каби)даги конфликт ўз моҳияти жиҳатдан, гарчи улардаги эпик воқеалар конкрет шахслар ва конкрет маконлар билан боғлиқ ҳолда ривожланса ҳам, романик эпосдаги конфликт типидан алоҳида ажralиб турмайди;

б) халқ эпоси, бошқача айтганда, янги типдаги достонлардаги конфликтлар ўзларининг тарихий асослари нуқтаси назардан конкрет шахслар, конкрет макон ва замон асосига бориб тақалади. Чунки уларда реал тарихий воқеалар акс эттирилган. Реал тарихий воқеаларни эса реал тарихий шахслар реал маконларда амалга оширади. Демак, бу тип достонлардаги конфликтлар ҳам тарихий характер касб этади.

Жангнома типдаги ҳамда китобий достонлардаги конфликтлар ҳам ўз моҳиятлари жиҳатидан романик достонлардаги конфликтларнинг бошқа макон, бошқа замонларда воқе бўлишидан фарқ қилмайди.

Фольклор эпик асарларида қаҳрамонларнинг функциясига қараб, қатор конфликт турлари намоён бўлишини кўрамиз:

¹ Саримсоков Б. Халқ достонларининг таснифи ва оралиқ шакллар масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1981. № 3.

1. Достон қаҳрамони билан девлар, париilar, сеҳргар, жодугар, илонлар, аждар ва бошқа турли маҳлуклар ўртасидаги мажозий, яъни аллегорик конфликтлар.

2. Асар қаҳрамони билан ташки душманлар, адолатсиз ҳукмдорлар ўртасида бўладиган ижтимоий-сиёсий конфликтлар.

3. Анъанавий достон қаҳрамонларининг яқин кишилари (опасингил, ака-ука, ота-бола, эр-хотин, тога-жиян, «Гўрўғли» туркумидаги достонларда Гўрўғлининг йигитлари ва асранди фарзандлари) ўртасидаги маший характердаги конфликтлар.

Бу конфликтлар яна бир неча кўринишларда намоён бўлади. Ҳар бир асарда бир ёки ундан ортиқ асосий конфликт ва бу конфликтни тўлдириб борувчи ёрдамчи конфликтлар мавжуд. Ёрдамчи конфликтлар асар лейтмотивининг мукаммалашувига олиб борадиган эпизодларда зоҳир бўлади.

Ижтимоий-сиёсий характердаги конфликтни «Ойсулув», «Кунтуғмиш» достонларида, оиласи интригалардан келиб чиқиб, ижтимоий қарама-қаршилик даражасига кўтарилган конфликтни «Ширин билан Шакар» достонида кўриш мумкин. Ижтимоий-сиёсий ва маший конфликтлар бир неча кўринишларда зоҳир бўлиши мумкин.

а) эпос қаҳрамонининг севгилиси йўлида олиб бориладиган тўқнашувлар билан боғлиқ бўлган бош конфликт;
б) идеал қаҳрамоннинг ўз мамлакати ичидаги қарама-қарши кучлар, гурухлар билан разолатга қарши адолат ўрнатиш учун олиб борадиган кураши акс эттирилган ижтимоий характердаги бош конфликт ва ҳоказо.

Халқ оғзаки ижоди асарларидағи конфликт ҳақида фикр юритганда, анъанавий достонлар билан янги достонлар конфликтни ўртасидаги фарқни ҳам унутмаслик керак бўлади. Анъанавий достонлардаги конфликтлар халқнинг асрий идеали ва халқ яратган идеал қаҳрамонлар фаолияти билан боғлиқ бўлади. Уларда эпик қаҳрамон образи тайёр ҳолда берилади. Янги достонларда эса қаҳрамон характери динамик тарзда ўсиб боради. Уларда қаҳрамонлар идеал эмас. Шунинг учун ҳам янги достонларда воқеалар аниқ, реал тарзда тасвирланган. Анъанавий достонларда воқеалар, кўпинча, фантастик, хаёлий уйдирма тарзида берилади. Янги достонларда воқеа макон ва замон билан боғлиқ ҳолда реал акс эттирилади. Анъанавий достонларда эпос қонуниятларига кўра ҳар бир туркум достон учун биргина бош қаҳрамон фаолияти билан

боглиқ воқеалар тасвирланади. Янги достонларда эса туркумлик йўқ. Шунингдек, янги достонларда тарихий шахслар, прототиплар мавжуд бўлгани учун, персонажлар фаолияти идеаллашти-рилмайди. Шахслар аниқ ва реал бўлади.

Шундай килиб, халқ эпосидаги конфликт ҳам ёзма адабиётдан фарқли равишда реал ҳаётдан ташқари эпик воқеликка асосланади, аммо бу конфликт пайдо бўлган даврдан буён инсонларнинг онги ривожи билан турли хил ўзгаришларга учраб, турли хил эътиодий қарашлар призмасидан ўтган ҳолда акс этиб келади. Бошқача қилиб айтганда, ёзма адабиётда акс этган конфликт конкрет давр билан, кўпроқ асада акс эттирилган давр билан боғлиқ ҳолда конкрет қайд этилади ва асар шундан неча аср кейин ўқилса ҳам, унда акс эттирилган конфликт ўзгармас ҳолда тураверади. Эпосда унинг оғзаки шаклда яшashi билан боғлиқ ҳолда конфликт турли тарихий даврлар, ижтимоий воқеликдаги силжишилар туфайли ҳамма вақт янги-янги катламлар билан бойиган ҳолда ўзгариб келади. Халқ эпосидаги мавжуд конфликтларнинг генетик асосларини очиш ҳамма вақт катта қийинчиликлар туғдиради. Бу нарса халқ эпосида касб этган конфликтларнинг тарихий асосларини очиш ўзбек фольклористикасининг бутунги кунда ҳам долзарб масалаларидан бири эканлигини яна бир бор тасдиклайди.

«Гулнор пари» достонида конфликт

Мухаммадқул Жомрот ўғли Пўлкандан ёзib олинган «Гулнор пари» достони «Гўрўғли» достонлари туркумига мансубdir. Достонда ўзбек халқининг севимли эпик қаҳрамони Гўрўғлиниң узоқ Ҳиндистон элидан гўзал Гулнор парини олиб келиши куйланади. Эртаклар ва анъанавий достонларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, уларда оптимистик рух балқиб туради, маънавий ҳаёлот оламида иш кўрувчи қаҳрамонлар пировардида олий максадига етмоғи керак. Аммо улар бу йўлда катта қийинчиликлар, ўта-мураккаб тўсикларга дуч келади ва уларни бекиёс куч-кудрати, етук акл-заковати, метиндек иродада ва зўр матонати билан енгади. Қаҳрамоннинг идеаллиги ҳам ана шу фонда кўзга ташланади. Анъанага кўра, бу зиддиятлар ижобий ва салбий образлар ўргасидагина эмас, табиат билан мифологик кучлар орасида ҳам зохир бўлади. Шундай килиб, воқеалар характери мантиқидан келиб чикиб, асар конфликтни яратилади.

Ижодкор аждодларимиз маънавий ҳаёлоти, ижодий салоҳияти натижаси туфайли яратилган оғзаки ижод асарларида қарама-қарши томонлар тўқнашуви ҳаётий деталлар, чиройли бадий тасвир воситаларида акс эттирилган. Бинобарин, реал ҳаёт ижтимоий ва иқтисодий формацияларнинг илк давридан бошлаб ҳеч қачон зиддиятсиз бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Бу табиий, албатта. Тараққиётни қарама-қаршиликлар ва рақобатсиз белгилаб бўлмаслиги аксиомадир. Маълумки, оғзаки ижод асарлари инсон маънавий дунёсининг объектив дунё воқеликларига ижодий муносабати маҳсули сифатида яратилди. Халқ ана шу воқеликни анъанавий образлар, манзара ва сюжетларда акс эттиради. Шаклан содда, мазмунан чукур асарларда ҳаётий тажриба, тарихий ҳодисалар маҳорат билан тасвирланади. Халқнинг қаҳрамонлиги унинг ташки ва ички душманларга қарши матонатли курашида кўринади. Бу курашлар тарихда рақам билан ифода этилса, фольклорда эса унинг бадий инъикоси сифатида қолган.

Демак, ҳаёт қарама-қаршиликлари меҳнаткаш халқ қалбида чукур из колдиран экан, бу из айни замонда халқ санъатига кўчиб, фан тили билан айтганда бадий конфликтга айланган. Аждодларимизнинг озод замон ва баҳтиёр ҳаёт ҳақидаги орзу-истаклари, ёвузилик, эскилиқ билан кучли тўқнашуви достонларда ўз аксини топган экан, конфликт ани шу воқеаларнинг тобора кескин, баъзида трагик тус олиб боришига, тадрижий давом эттирилшига катта имконият яратади, асарнинг эмоционаллигини таъминлайди.

“Гулнор пари” достони конфликтни қаҳрамонларнинг руҳий кечинмалари, қарама-қарши кучлар билан тўқнашуви, оғир қийинчиликларга бардош бериши ҳамда уларни енгиги чиқишилари фонида ишланганлиги жиҳатидан анча дикъатга сазовордир. Буни эса асар воқеаларининг ривожи, характери ва мантиқи тақозо этган.

Ёзма адабиётга доир бадий асарлардаги каби халқ достонида ҳам конфликт ўзининг туттан ўрни, аҳамияти ва ўйнаган ролига қараб фарқ килиши мумкин. Одатда, асарларда ҳал қўйувчи роль ўйнайдиган бир асосий конфликт бўлиб, унинг атрофида бир неча ёрдамчи конфликтлар ҳам бўлиши мумкин. Таъкилаганимиздек, воқеалар характери, унда контаминация усулини қўллашни мантиқиан тақозо этади. Уларнинг бири узоқ Ҳиндистон мамлакатидан маъшуқани олиб келиш ва бунда халқ ботирининг қаҳрамонлигини тараним этиш бўлса, иккинчиси, Чамбил юртининг мудофааси

мавзуидир. Шунга кўра, достондаги конфликт икки кўринишда кўзга ташланади. Биринчиси, идеал Гўрўғлининг Гулнор парини олиб келишдаги Той хинди билан тўқнашуви бўлса, иккинчиси, араблар билан бўлган давомли зиддият бўлиб, буларни биринчи пландаги конфликт деб хисобламоқ керак бўлади. Амин вазир билан Симин вазир ўртасидаги рақобатни эса, бизнингча, бош зиддиятларнинг таркиби қисмини ташкил этувчи ёрдамчи конфликт деб атаса бўлади. Ўз навбатида бу ёрдамчи конфликт етакчи конфликтни ижобий ҳал қилишга имконият яратиб берган.

Достонда, асосий конфликт, одатда, бир зумда пайдо бўлиб, ҳадеганда ҳал бўладиган бадиий восита эмас. У одатда ўзининг бадиий шаклана бориши йўлига эга. Бу эса воқеаларнинг характери, сюжет чизиги билан боғлик жараёндир. Асарда биринчи асосий конфликтнинг ҳаракат йўли асар бошиданоқ кўринади. Гулнор парининг ўз ваъдаси устидан чиқмагани, Чамбилга етиб келмагани Гўрўғлининг Ҳинд мамлакатига боришини тақозо этади. Мана у йигитларга нима деяпти:

Ажал етиб мендай подшио ўлмади,

Мен билувда бизни кўзга шимади.

Мисқол ойим келди Эрам боғидан,

Ҳиндистондан Гулнор пари келмади.

Гулноржонни олиб келмасам бўлмас,

Ахир бир кун шундайча гап бўлади.

Олиб келай бориб Гулнор парини,

Қариндош, маслаҳат қандай бўлади?..

Кўринадики, идеал қаҳрамон «Маслаҳатли тўн қалта бўлмас», деган ҳалқ ҳикматига амал қиляти. Ундаги ақл, катталарга нисбатан одоби кўриняти, иккинчидан, қаҳрамон қанчалик қудратли бўлмасин, у ҳеч қачон йигитларнинг кўмагисиз мақсадга эришиши мумкин эмас. Гўрўғли уни йўлда катта жанту жадаллар, зўр тўсиклар кутаётганини олдиндан кўра билган. Шунга кўра тоғаси Аҳмад Сардор бошлиқ йигитлари ва лашкари билан сафарга отланади: «Ана энди ёппа-ёвлик оти бори отни миниб, тойли-таёкли Ҳиндистонга юринглар деб, Аҳмад Сардор бўз отини миниб, түғни қўлига ушлаб, вақтини хушлаб, ана шу отларни ўйнатиб, сувлиқни чайнатиб, гурри-гурри, даста-даста бўлиб жўнай берди...»

Уларнинг кетиб боришини шоир шундай тасвирлайди:

Елкада борди паранги,
Кўлида борди зарангиги.
От кўяди қуло чўлда
Келаяти гоҳо элда.
Гоҳо ёргу, гоҳ қоронги,
Бастамдай беклар жўнади...

Улар жуда кўп ерлардан-тоғлардан, чўллардан, дарёлардан ўтиб Афғонистонга келади. Афғонистон подшоси буларни душман деб ўйлаб уруш бошламоқчи бўлади. Мана шу жойда икки томон ўртасида зиддият бўлай деб, бу дўстликка айланиб кетади. Чунки Гўрўғли босқинчи эмас, у ўзбек ҳалқининг севимли қаҳрамони, адолатли хукмдор бўлгани учун Афғонистон подшоси Абди Оталиқ билан дўст бўлиб қолади. Гўрўғлининг лашкари ҳеч кимнинг ҳеч нарсасига тегмайди, ҳеч кимга зиён-захмат етказмайди. Уларнинг мақсади битта, Гулнор парини олиб қайтиш, агар Той хинди қаршилик кўрсатса, у ва лашкари билан тўқнашишдир.

Ижодкор ҳалқ ва атоқли бахши Пўлкан шоир маҳорати шундаки, улар идеал қаҳрамонни худа-бехуда драматик ҳолатга рўйбарў қилмайди, кон тўқтиримайди. У дўстга - дўст, душманга - душман, ақли расо қаҳрамон. Шунга кўра Афғонистонда юз бериши мумкин бўлган зиддиятга тадбиркорлик билан барҳам беради ва воқеаларни Ҳинд юртига кўчиради.

Гўрўғли Конғар тоғида, яъни Томоша тоғда Гулнор пари билан топшигандан кейин унинг мақсади амалга ошган, Гулнор парини олиб кетаверса бўлар эди. Аммо вазият унинг жангта киришини тақозо қиласди. Гўрўғли бехуда қон тўкилишига қарши, лекин Гулнор парининг отаси Той хинди ўз лашкарлари билан Гўрўғли устига бостириб келиб қолади. Унинг мақсади Гулнор парини Гўрўғлига бермай, уни жазолаш эди. Шу нарса аниқки, муайян мақсадни кўзлаган ҳалқ қаҳрамони адолатсизлик қилаётган рақибига таслим бўлиб қолмайдигина эмас, унга қақшатгич зарба бериши керак. Ана шунинг учун ҳам гойибдан мадад келади:

Той ҳинди шотиман.

Осмондан ярқаратиб,

Гўрўғлининг бошидан

Тос тепасини кўзлаб,

Гўрўғлидай полвонга.

Той ҳинди ханжар солди.

Гүрӯғли ҳам Той ҳинди аскарига қарши жангга киради. Той ҳинди жуда кучли ракиб. Лекин Гүрӯғли ҳам ундан қолишмайды. Улар ўртасидаги конфликт курашда янада ривожланади. Гүрӯғлининг дев-полвонларидан ташқари, Ҳиндистонда унинг адолатпарвар ҳамфирлари бор. Бундай ҳамфирларнинг бошлиғи, етакчиси Той ҳиндининг вазири Симиндир. У бу курашда Гүрӯғлини кўллаб-куvvатлади.

Кўринадики, асар воқеалари Гүрӯғли - Той ҳинди - Амин вазирлар ўртасидаги зиддиятлар фонида кескин тус олади. Бу конфликт Гүрӯғлининг севгилисипи олиб қайтиши, Ҳинд ерида тинчлик ўрнатиш, адолатли подшоҳ кўтариш билан тугайди. Шу билан идеал қаҳрамон мақсадига эришди, жангу жадаллар ниҳоясига етди.

Мабодо, асар воқеаларига шу ерда нуқта кўйиладиган бўлса, достон шинавандалари Гүрӯғли матонатига унчалик қойил бўлмагандек туолади. Қониқтирмаётган ери шундаки, қаҳрамон севгилиси учун шунча жанг қилди, қизни олиб қайтди. Аммо гап шундаки, ҳалқ санъаткори биринчи мавзуда жуда катта ижтимоий масалани ҳалқ манфаати нуқтаи назаридан туриб ҳал қила олган. Биринчидан, эпик Гүрӯғли Ҳинд юртини қора ниятили хукмдорлардан тозалайди ва адолатли шоҳ кўтаради. Иккинчидан, қардош афгон ҳалқлари билан дўст тутиниб, дўстлик, тинчлик қўшничилик тўғрисидаги асррий ҳалқчил ғояларни олға суради.

Ижодкор ҳалқ воқеаларни қолган еридан давом эттириш учун энди Гүрӯғли билан Чамбил элининг азалий душмани бўлмиш араблар ўртасидаги бўлган зиддиятдан фойдаланган. Айтиш жоизки, бу воқеа зўрма-зўраки боғлангани йўқ. Гүрӯғли Той ҳиндини сенгуб, Гулнор парини олиб ўз ватанига жўнаркан, у қайтишда Афғонистон хукмдори Абди Оталиқقا меҳмон бўлади. Фурсатдан фойдаланган Жалман қизилнинг ўғли Алман қизил, Гүрӯғли урушда ўлган бўлса, отамнинг хунини оламан деб Ширвонга бориб, Райхоннинг отаси Бектош арабни олиб Чамбил юрти билан урушишга жўнайди.

Кўринадики, азалий душман ҳеч қачон тинчib кетмайди, у уч олиш пайида бўлади. Пўлкан шоир ана шундан келиб чиқиб, иккинчи мавзунинг табиий боғланишига эргашган, иккинчи асосий конфликт мана шу ердан бошланади. Шуниси характерлики, бу ерда ҳам катта конфликт таркибий қисмини ташкил этувчи кичик зиддиятлар борки, булар Холжуwon ойим билан араблар -

Юнуспари, Мисқол пари тўқнашувиdir. Холжуwon ойим арабларга маънавий зарба берса, Юнус пари бошилк Чамбил юртининг хотин-қизлари қурол билан душманга ташланади:

Хотинларни Юнус пари йигдирди,
Барисига сарбоз либос кийдирди.

Теппак кийгизди-да, сочин йигдирди.
Қолғанларнинг елкасидан тўнтириб,

Боггинасини бўши-бўшгина боғлатиб,
Карк тери қолган эгнига кийдирди.

Чор ойнани бошларига кийдирди.
Кампир қолмай, хотин қолмай ҳаммасин,

Йигиб келди ҳам момосин, аммасин
Йигиб келиб мулла либос кийдирди.

Яна Гүрӯғлининг дев-полвони Ҳасан Чопсон химоя қилишга келади. У Гулнор парининг гапидан аразлаб кетиб, Бало тоғига қетган эди, кампири билан арабларнинг келганини кўриб қолади. Ўзи курашишга яккама-якка кучи етмади ва Гүрӯғлига хабар беришга кетди. У Гүрӯғлини Афғонистондан топиб, деди:

Белни маҳкам бўғинг энди,
Оёқ- қўлни ювинг энди!

Қистаб бориб арабларни,
Ёвлаб келган тарафларни,

Ширвон элга қувинг энди.

Бу гапни эшитиб Абди Оталиқ дўсти Гүрӯғлига ёрдамга бермоқчи бўлади, лекин Гүрӯғли кўнмайди. Аввал Ҳасан Чопсонни юбориб, кейин ўзи одамлар билан жўнайди. Бу ерда конфликт воқеалар характеристига мос ҳал қилинади. Бошда Гүрӯғли - Той ҳинди - Амин вазирлар ўртасидаги тасодифий зиддият фонида кўзга ташланган конфликт энди Чамбил - Афғон ҳалқлари иттифоқининг умумий душмани - араб босқинчиларига қарши зарба беришдек кенг диапазондаги воқеаларни тасвирлашда чиройли бадиий усул ролини ўтайди.

Хуллас, Гүрӯғли бошлиқ ижобий кучлар билан Той ҳинди, Бектош араб, Райхон араб каби салбий образлар ўртасидаги курашда яхшилик тимсоли бўлган ижобий кучлар ғалаба қозониши анъанага мос бўлиб, бунда сюжетнинг асосий унсурларидан ҳисобланган конфликт муҳим рол ўйнайди.